

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 12 июндаги «Олий таълим  
муассасаларининг раҳбар ва педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини  
ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732 сонли  
Фармони асосида янги ташкил этилган қайта  
тайёрлаш ва малака ошириш тизимида  
Битирув ишини тайёрлаш тартиби**

**ТАҚДИМОТИ**

**Олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш  
курси ўқув режасининг намунали тузилмаси**

<b>№</b>	<b>Ўқув модуллари</b>	<b>Ўқув юкламаси тақсимоти</b>
1.	Олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари	5 %
2.	Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат	15 % (5% махсус фан)
3.	Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаш	10 % (5% махсус фан)
4.	Амалий хорижий тил	15 %
5.	Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари	10 % (5% махсус фан)
6.	Махсус фанлари	30 % (жами 45%)
7.	Педагогик амалиёт	10 %
8.	Малакавий аттестация	5 %
	Жами:	100 %

# Педагогик амалиёт базалари

	Йўналишлар	Тинглов-чилар сони	Амалиёт базаси
1	Иқтисодиёт		ТДИУ Иқтисодиёт назарияси кафедраси
			ТДИУ Макроиқтисодиёт кафедраси
			ТДИУ Саноат иқтисодиёти кафедраси
			ТДИУ Эконометрика кафедраси
			ТДИУнинг бошқа тегишли мутахассислик кафедралари
2	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит		ТДИУ Бухгалтерия ҳисоби кафедраси
			ТДИУ Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси
3	Менежмент		ТДИУ Менежмент; Кадрлар менежменти ва Корпоратив бошқарув кафедралари
4	Маркетинг		ТДИУ Маркетинг кафедраси
5	Молия		ТМИдаги мутахассислик кафедраларида
6	Туризм		ТДИУ Туризм ва сервис кафедраси
7	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш		

# БИТИРУВ ИШИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

## Кириш

**1- БОБ. ....ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**1.1. .... фани тараққиётининг устувор йўналишлари**

**1.2. ....фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар**

**2- БОБ. ....ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ**

**2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи**

**2.2. Маъруза матни**

**2.3. Фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар**

**2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар**

**2.5. Фан мавзулари юзасидан тақдимотлар**

**2.6. Хулоса ва тавсиялар**

# Битирув ишининг кириш қисми таркиби

- долзарблиги;

- илмий изланишнинг мақсад ва  
вазифалари;

– тадқиқот предмети ва объекти;

– тадқиқотнинг амалий ахамияти ёртилади.

## I БОБДА ҚУЙИДАГИЛАР ЁРИТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- соҳадаги илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва фан бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибаларни, шунингдек, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш йўлларини ёритиш.

## II БОБДА ҚҰЙИДАГИЛАР ЁРИТИЛИШИ ЛОЗИМ:

Фан юзасидан, агар фанни ўқитиш 2 ва ундан ортиқ семестрга мўлжалланган бўлса соатлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда битта боб, бўлим ёки модуль доирасида қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

- Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи (Силлабус);
- Мавзу бўйича маъруза матни (ҳар бир маъруза таянч сўзлар, асосий маъруза матни, ўз-ўзини назорат қилиш бўйича савол ва топшириқлар, фойдаланилган адабиётлар тартибида, 2 соат учун 3-5 бет ҳажмида тайёрланиши лозим);
- Мавзу бўйича кейслар ва амалий топшириқ, ишланмалар (мавзу юзасидан кейслар, семинар ёки амалий машғулотлар учун ишланма, топшириқлар);
- Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар (даражали тестлар, жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари, мустақил таълим юзасидан тегшли кўрсатма, тавсия ёки топшириқлар тўплами)
- Фан мавзулари юзасидан тайёрланган тақдимотлардан намуналар.

**Хулоса ва таклифлар** қисми 3-5 бет саҳифани ташкил этади. Унда иш мазмуни бўйича ишлаб чиқилган хулосалар ва аниқ таклифлар, эришилган натижалар мужассамлаштирилади.

**Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатида** ишнинг бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, илмий мақолалар номи келтирилади. Адабиётлар рўйхати алфавит тартибида тузилади. Хорижий адабиётлар рўйхат охирида берилади.



## Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатининг намунавий таркиби

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор, фармон ва асарлари.
3. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари
4. Асосий адабиётлар.
5. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.
6. Интернет сайтлари.

БЛИнинг ҳажми 100 бетгача (иловаларсиз) бўлиб, А4(21x29) формат қоғозга компьютерда (1,5 интервалда, 12-14 ўлчамли шрифтга мос) терилган ҳолда тайёрланади (матн қоғоз варағига чапдан 2,5 сантиметр, ўнгдан 1,5 сантиметр, юқоридан ҳамда пастидан 2 сантиметр четлаб туширилади).

Тасдиқланган ва тайёр бўлган битирув иши Ҳимоя ўтказиладиган кунидан камида 4 кун олдин (**20 февралгача**) тегишли таянч кафедрадан бириктирилган илмий раҳбарнинг ижобий хулосаси (имзо ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда) ҳамда қуйидагилар билан биргаликда Тармоқ маркази Аттестация комиссияси котибига топширилади:

1. Муқоваланган битирув иши (дискда БЛИнинг ва ҳимоя тақдимотининг электрон варианты билан).
2. Илмий раҳбар тақризи
3. Ташқи тақриз
4. Тарқатма материаллар

**Тингловчининг БЛИни ҳимоя қилиш ҳамда аттестация жараёнида берилган саволларга берган жавоблари Аттестация комиссияси томонидан қуйидаги баҳолаш мезонлари бўйича баҳоланади:**

<b>№</b>	<b>Битирув лойиҳа иши ва уни ҳимоясини баҳолаш мезонлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Комиссия томонидан қўйилган балл</b>
1.	Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларининг аниқ белгиланганлиги, битирув (лойиҳа) ишининг концепциясини аниқ қўйилиши, унинг маънавий-маърифий, ўқув, илмий ва бошқа фаолият турлари мазмунини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлардаги замонавий талабларга мослиги.	2	
2.	Мавзу бўйича муаммони ечимига қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда асосли таҳлиллар (меъёрий ҳужжатлар, илғор таълим технологиялари, методик ёндашувлар ва б.) амалга оширилганлиги.	5	
3.	Ишлаб чиқилган таклифларнинг ўқув жараёнини сифатини таъминлаш, илмий ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши даражаси.	8	
4.	Тингловчининг креативлиги, нутқ маданияти, касбий компетентлик даражаси.	2	
5.	Тингловчининг берилган саволларга аниқ жавоб бериши, мустақил қарашларнинг шаклланганлиги.	3	
	<b>БЛИ ҳимояси (Яқуний назоратга ажратилган балл)</b>	<b>20</b>	
	<b>ЯНдан ўтиш бали (ЯН балининг 56%дан кам бўлмаган)</b>		<b>11,2</b>

*ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!*